

Паязов Мурод Максудович,
Фарғона политехника институти “Менежмент”
кафедраси докторанти, доцент, иқтисодиёт
фанлари номзоди

ХАЛҚАРО ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИДАГИ БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

УДК: 005.3:338.46

DOI: 10.34920/EIF/VOL_2023_ISSUE_2_4

ПАЯЗОВ М.М. ХАЛҚАРО ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИДАГИ БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Мақолада халқаро хизматлар бозорида бошқарув механизмларини тизимли ташкил этган ҳолатда юқори самарадорлик кўрсаткичларга эришган ривожланган давлатлар, уларнинг қамров ҳолати намуна бўладиган даражада ташкил этилганлигини илмий жиҳатдан ёндашган ҳолда уларнинг мамлакат ҳамда дунё иқтисодиётида самарали фаолиятлари тадқиқ этилиб, ривожланган давлатларида учинчи сектор сифатида алоҳида фаолият сифатида ҳисобга олиниши, хизматлар юқори даражада ривожланган саноатга айланиб бўлганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Мақолада дунё давлатларида молиявий хизматлар, логистика хизматлари, таълим, сайёҳлик, интернетдаги ижтимоий тармоқларнинг халқаро даражадаги рейтинги ва самарадорликка эришган кўрсаткичлари таҳлили келтирилган

Калит сўзлар: молиявий хизматлар, хизматлар бозори, таълим хизматлари, логистика, франчайзинг, хизматлар, аутсорсинг.

ПАЯЗОВ М.М. МЕХАНИЗМЫ УПРАВЛЕНИЯ И ИХ ЭФФЕКТИВНОСТЬ В СИСТЕМЕ ПРЕДОСТАВЛЕНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ УСЛУГ

В статье рассматривается преимущество развития услуг на международном уровне на примере экономически развитые странах. А также представлены данные показателей эффективности и основная причина международных услуг, которые попали в топ мировых услуг. А также приведены данные развитых стран по международным финансовым, логистическим, туристическим, интернет, образовательных и др. услуг. Можно прийти к выводу о том, что где сфера услуг поднята до уровня индустрии, можно отнести эти государства к постиндустриальным странам. Эти государства добились таких результатов за счет системного и правильного, поэтапного управления отраслями экономики. В развитых странах сфера услуг относится к третьему сектору и представляет собой большую индустрию.

Ключевые слова: финансовые услуги, рынок услуг, образовательные услуги, логистика, франчайзинг, услуги, аутсорсинг.

PAYAZOV M.M. MANAGEMENT MECHANISMS AND THEIR EFFECTIVENESS IN THE SYSTEM OF PROVIDING INTERNATIONAL SERVICES

The article considers the advantage of developing services at the international level on the example of economically developing countries. There is also provided data on performance indicators and the main reason for international services that are in the top world services. There is also provided data from developed countries on international financial, logistics, tourism, Internet, education, etc. It can be concluded that where the service sector has risen to the level of industry, these states can be attributed to post-industrial countries. These states have achieved these results due to the systematic and correct step-by-step management of the sectors of the economy. In developed countries, the service sector belongs to the third sector and has been formed as a large industry.

Key words: financial services, services market, educational services, logistics, franchising, services, outsourcing.

Кириш.

Мамалакат иқтисодиёти ўсиб бораётган аҳоли эҳтиёжларини янада таъминлаш асосида, тизимли равишда барча ҳаётини воситаларни ишлаб чиқаришдан то истеъмолгача бўлган жараёнда барқарор ўсиш суръатларига эга бўлиши лозимдир. Бу бир томондан иқтисодий ва шу билан бирга сиёсий-ижтимоий жабҳаларда иқтисодий ислохотларнинг мунтазам ва босқичма-босқич амалга ошириб боришини тақозо этади. Албатта ушбу жараёнлар ўз-ўзидан бўлмайди, ушбу механизмни бир маромда мунтазам равишда бошқарилиб, илмий тадқиқ этилиб, ўз маромида ўсишда ва ишлашда давом этиши лозимдир.

Бу йўналишда юксак иқтисодий самарадорликка эришган давлатлар бугунги кунда постиндустриал иқтисодиётга ўтиб тараққиётнинг юқори интеллектуал босқичига ўтдилар. Буни биз баъзи иқтисодий кўрсаткичларни солиштирганимизда ҳам яққол кўришимиз мумкин. Қайсики ялпи ички маҳсулот ҳажми, жон бошига тўғри келадиган даромад, аҳолининг фаровонлик коэффициенти, саноатнинг ривожланганлик даражаси ва ҳоказолар.

Бу ўринда ялпи ички маҳсулот таҳлил этилганида ЯИМнинг таркибида жуда катта рақамни ташкил этган хизматлар соҳасига кўзингиз тушмасдан иложи йўқ. Жумладан: АҚШ ЯИМ да ушбу кўрсаткич 77,6%ни, Германияда 62,88%, Сингапурда 69,45%, Буюк Британияда 71,46%ни ташкил этиб¹, ушбу мамлакатларда хизмат соҳасида юқори самарадорликни кўриш мум-

кин. Ўзбекистонда хизматлар соҳаси 40,3 фоизни² ташкил этди. Ушбу ҳолат Ўзбекистонда хизматлар бозори тўлақонли фаолият юритиши учун хизматлар соҳаси ислохотларни талаб этаётганлигини, бу йўналишда имкониятлар мавжудлигини кўрсатади.

Мавзунинг долзарблиги.

Ўзбекистонда 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси қабул қилинди [1]. Ушбу тараққиёт стратегияда 7 та йўналиш бўлиб 100 та мақсадни бажариш вазифи сифатида қўйилган. Ҳар бир мақсаднинг мазмун-моҳияти инсон учун, унинг кадр қиймати янада яхшилашга, аҳолининг камбағаллик даражасини камайтириб, иқтисодиётни тараққий эттиришни пировард мақсад эканлигини англаш мумкин. Тараққиёт стратегиясида кўзда тутилган саноат, транспорт, тиббий хизмат, давлат хизматлари, ҳуқуқий, маиший, туризм, молиявий, коммунал-уй ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, туризм, фан, таълим каби қўплаб хизматларни жадал ривожлантириш айнан Ўзбекистон ЯИМда хизматлар улушининг ортисига, иқтисодиётни интеграциялашуви эса хизматлар бозоридаги мавқеини таъминлайди.

Хизматлар соҳасидаги мавжуд имониятларни бой бермаслик, мамлакатнинг ЯИМини янада кўтариш, имкон даражасида постиндустриал жамият пойдеворини қуриш йўлларида бири, бу хизматлар соҳаси эканлигини жаҳон тажрибалари кўрсатиб турибди. Шу жиҳатдан хизматлар бозорида бошқарув механизмларини ва уларнинг самарадорлигини таъминлаш долзарб вазифалардан биридир.

¹ Доля сферы услуг - Классация стран. [Электрон манба]: https://ru.theglobaleconomy.com/rankings/share_of_services/

² Доля сферы услуг в ВВП увеличилась. [Электрон манба]: <https://kun.uz/ru/news/2022/12/16/dolya-sfery-uslug-v-vvp-velichilas>

Илмий муаммонинг қўйилиши.

М.Пендер ва бошқалар: “Вақт ўтиши билан хизмат кўрсатиш соҳаси барча соҳаларда устунлик қилади, ҳатто ривожланаётган иқтисодий давлатларда ҳам ЯИМнинг камида ярмини хизматлар ташкил этади. Мамлакатларда юқори технологиялар, билимга асосланган малакали хизмат кўрсатишнинг ўсиши ҳисобига аҳоли жон бошига даромад ошади” [2] -деб хизматлар бозорида хизматларнинг аҳамияти ошиб бориши ҳамда иш билан бандлик масалалари илмий тадқиқ қилинган.

Д.Худойберганов: “Ҳозирги кунда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ўсишни таъминлаш учун хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришни энг муҳим вазифалардан бири сифатида қўйишмоқда. Хизматлар соҳаси аҳолининг барча қатламларини қамраб олади ва жамиятда содир бўлаётган деярли барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатади, бу эса мазкур масаланинг қанчалик муҳим ва аҳамиятли эканлигини кўрсатиб беради” [3] - деб хизматларни минтақадаги товар ва хизматлар бозоридаги аҳамияти нуқтаи назаридан ёндашади.

Ю.П.Якубук: “Дунёнинг аксарият мамлакатларида товар ва хизматлар экспортининг умумий ҳажмида хизматлар улуши доимий равишда ошиб бормоқда. Кейинчалик хизматлар экспортини ривожлантириш барча Евроосиё мамлакатлари учун муҳим аҳамиятга эга” [4] - эканлигини қайд этиб халқаро бозорда қурилиш, туризм, ахборот ва компьютер, транспорт хизматларининг аҳамияти ортиб бораётганлигини таъкидлайди.

Ф.А.Джалилов: “Бугунги кунда Республикамызда хизмат кўрсатиш соҳасида шаклланган ташкилий-иқтисодий механизм хизматлар бозорида уларнинг фаолиятини тўлақонли назорат қилиш ва бошқаришни ташкил эта олиш имкониятига эга эмас. Шунинг учун ҳам хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилий таркибини оптималлаштириш муҳим аҳамиятга эга” [5] - деб хизмат кўрсатишнинг баъзи бир ташкилий элементларини келтириб ўтади.

Д.Ченг: “Хизматларни модернизация қилишнинг икки йўлини кўрсатади, яъни: техник такомиллаштириш ва бошқарувни такомиллаштириш. Биринчиси, хизмат кўрсатувчи компания каби хизмат кўрсатишни таъминловчи ўзининг эскирган аппарат тузилмасини ўзгартириш учун ахборот технологиялари ва юқори технология-

лар каби илғор технологияларни жорий қилиши мумкинлигини англатади. Иккинчиси, хизмат кўрсатишни таъминловчи замонавий бошқарув тажрибаси ва махсус истеъдодларни импорт қилиш орқали ўзининг эски операцион ва ташкилий усулларини ислоҳ қилиши мумкинлигини англатади” [6] - деб биринчи навбатда кадрлар тузилмасида ўзгаришлар қилиш лозимлиги нуқтаи назаридан ёндашади.

Л.Рубалсаба: “Хизматлар соҳасидаги инновациялар - биринчи сиёсат устуворлиги, сиёсат ва бизнес ҳақида хабардорликни ошириш бўлади. Тизимли сиёсат билан биргаликда хизматларни мавжуд инновацион сиёсатга тўлиқ интеграция қилиш” [8] – лозимлиги нуқтаи назаридан ёндашиб давлат сиёсати ҳамда хизматлар соҳасидаги инновациялар ягона мақсадга, хизматларни молиявий ҳамда сиёсий қўллаб қувватлаш ҳамда хизматлар учун етарли шарт-шароитлар яратиш муҳимлигини ёритади.

М.А.Бекмирзаев: “Шуни таъкидлаш керакки, энг муҳимларидан бири хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишига таъсир этувчи омиллар иқтисодиётни рақамлаштиришдир” [8] деб, асосан хизматларни рақамлаштиришга асосий фактор сифатида қарайди.

Биз ёритмоқчи бўлган муаммо эса халқаро хизматлар бозорида таклиф қилаётган хизматларининг нечоғлиқ самарадорлик кўрсаткичларига эга эканлиги ва бу самарадорлик кўрсаткичларнинг асл моҳияти нима ва Ўзбекистон учун қандай йўллардан бирини танласа тизимли равишда хизматларни мақсадли ва самарали бошқаришини таъминлаб бериши мумкинлигини очиб беришдир.

Тадқиқотнинг мақсади халқаро хизматлар бозорида хизматларнинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамиятини ёритиш асосида хизматларнинг глобаллашуви ҳолати ва уни оқилона бошқариш натижасида самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаштириш, ҳамда Ўзбекистонда хизматларни янада ривожлантириш учун илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқот методлари. Мақолани тайёрлаш жараёнида диалектик, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик, қиёсий ва тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Асосий натижалар. Халқаро хизмат кўрсатиш тизимида хизматлар соҳаси учинчи секторга тегишли. Хизматлар алоҳида корхона, жамият,

1-жадвал. Ялпи ички маҳсулотга нисбатан хизматлар улушига кўра айрим давлатларнинг гуруҳланиши (2021 йилги маълумотлар асосида)¹

Т/р	Давлатларнинг номи	Фоизда
1-гуруҳдаги давлатлар хизматлар соҳаси ривожланиш палласига кирган		
1	Қирғизистон	48,44
2	Ҳиндистон	47,51
3	Эрон	47,33
4	Ўзбекистон	35,73
5	Туркманистон	21,6 ²
	Шунингдек Афғонистон, Конго, Ангола давлатлари	
2-гуруҳдаги давлатларда хизматлар қисман ривожланган		
1	Туркия	52,75
2	Россия	52,91
3	Хитой	53,31
4	Қозоғистон	53,92
5	Жанубий Корея	56,98
6	Германия	62,88
7	ЖАР	63,02
3-гуруҳдаги давлатларда хизматлар юқори ривожланиш даражасига ўтган		
1	Италия	65,22
2	Сингапур	69,45
4-гуруҳ давлатларида хизматлар иқтисодиётда ривожланишнинг энг юқори босқичига кўтарилган		
1	Франция	70,34
2	Буюк Британия	71,46
3	Швецария	71,92
4	Исроил	72,45
5	Япония	75,9
6	АҚШ	77,6

давлатнинг иқтисодий ўсишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Хизмат кўрсатиш тизимини юқори даражада ривожланганлик ҳолати постиндустриал жамиятга хосдир. Чунки тармоқлар ривожланиши юқори чўққини забт этиб, ривожланиш тўлиқ рақамлашиб, робототехника, сунъий интеллектга асослаган давлат қурилишида муҳим бўғинлардан бири сифатида улуши ортиб боришидан дарак беради.


Халқаро хизматлар кўрсатишда эҳтиёжларнинг аҳамиятидан келиб чиқиб улар, қуйидаги турларга

¹ Доля сферы услуг - Классация стран. [Электрон манбаа]: https://ru.theglobaleconomy.com/rankings/share_of_services/

² Экономика Туркменистана.[Электрон манбаа]: https://ru.wikipedia.org/wiki/Экономика_Туркменистана

ажратилади. Моддий ишлаб чиқаришдаги хизматлар соҳаси (транспорт, алоқа, маиший, етказиб бериш), маънавий хизмат кўрсатиш (таълим, санъат, фан, жисмоний тарбия) ва ижтимоий соҳадаги хизматлар (савдо, уй-жой, коммунал хизматлар, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик)

Хизматлар соҳаси жуда мураккаб структурага эгадир. Истеъмол қилиш тамойилига асосан хизматларни: анъанавий хизматлар (савдо, транспорт, озиқ-овқат, алоқа, молия, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқаларга) ва инсоннинг яъни эҳтиёжларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган ноанъанавий хизматларга (туризм, молия, банк, консалтинг, аудит, логистика, муҳандислик, фаррошлик, ободонлаштириш, ахборот-коммуникация (АКТ) ва бошқалар).

1-расм.Халқаро бозорда ЯИМ таркибидаги хизматларнинг жойлашиш картаси¹.

Иқтисодий фаолиятларнинг тармоқлар классификацияси саноат стандартида [9] хизматлар қўидаги турларга ажратилган: қурилиш; савдо; транспорт; умумий овқатланиш; ахборот ва алоқа хизматлари; туризм; соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар; илмий-таълим хизматлари; молия ва суғурта хизматлари.

Жаҳон иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи маҳсулот таркибидаги улушига кўра мамлакатлар тўртта гуруҳга ажратилган: Биринчи гуруҳга 50 фоиздан кам улушга эга, иккинчи гуруҳга 50-65 фоиз, учинчи гуруҳга 65-70 фоиз, тўртинчи гуруҳга 70 фоиздан ортиқроқ улушга эга бўлганларга ажратилди (1-жадвал).

Ялпи ички маҳсулотдаги хизматлар улушидаги фарқлар ўз навбатида хизматлар соҳасидаги ривожланган ва ривожланмаган давлатларни ажратиш олиш имконини берди (1-расм).

Ушбу маълумотларда Ўзбекистон қўшни давлатлар билан биринчи гуруҳга мансублигидан хизматлар соҳаси етарли даражада йўлга қўйилмаганлигини гувоҳи бўлдик.

Халқаро хизматлар бозорида хизматлари энг юқори улушига эга бўлган давлатлар мисолида хизматларни бошқаришда иқтисодий механизм-

лар тўғри танланганлиги сабабли уларнинг самардорлиги ҳам юқорилигини кузатиш мумкин.

АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония давлатлари хизматлар экспорти ва импортида етакчилик қилмоқдалар. Сўнгги йилларда Хитой, Ҳиндистон, Гонконг, Сингапур ва Корея Республикаси етакчи мамлакатларга яқинлашиб қолди. Хизматлар экспортида АҚШ, Буюк Британия юқори мавқега эга бўлса, хизматлар импортида АҚШ, Хитой, Германия етакчилик қилмоқда.

Халқаро хизматлар бозорда таклиф қилинаётган хизматларда етакчи давлатлар лидерликни қўлдан бермай келмоқдалар. Уларнинг хизматлар бозоридаги улуши бутун дунё хизматларининг қарийб 50 фоиздан кўпроғини ташкил этиб хизмат турлари трансчегаравий ҳудудлардан ўтиб, трансмиллий хизматлар даражасига кўтарилган. Бунга мисол тариқасида баъзи хизматларни, масалан дунёда топ-10 талиқда тақдим этилаётган молиявий хизматларни кўриб (2-жадвал) чиқсак.

Молиявий хизматларни давлат томонидан тўғри ва мақсадли йўналтириш, алоҳида ҳудуд ва зоналарни мақсадли ихтисослаштириш, фаолияти учун етарли шарт-шароитларни таъминлаш хизматлар соҳасини ривожланиши учун моддий асос бўлиб хизмат қилган. Кучли молиявий барқарор давлатлар АҚШ, Франция, Сингапур, Хитой, Буюк Британия бугунги кунда ҳам фаол молиявий хизматларни таклиф қилмоқдалар.

Хизматлар бозорида логистик компаниялар ҳам мамлакат иқтисодиёти, унинг ялпи ички

¹ Инфографика: Какую роль играет сфера услуг в мировой экономике. [Электрон манбаа]:https://tempting.pro/infografika_kakuyu_rol_igraet_sfera_uslug_v_mirovoi_ekonomike/. Муаллиф томонидан Ўзбекистон ҳудудининг харитадаги ранги ўзгартирилган.

2-жадвал. Молиявий хизматларни тақдим этувчи энг йирик 10 та давлатлар¹

Топ-10 талик давлатлар	Тақдим этилаётган молиявий хизматлари
Нью-Йорк	Йирик молиявий корхоналар, йирик банклар, йирик биржалар, савдо ва суғурта компаниялари жойлашган. J.P. Morgan, Citigroup, Pfizer, IBM, Verizon Бош-шўбаси жойлашган. Молиявий хизматларни кўрсатиш юзасидан дунёда биринчи ўринни эгаллаган.
Лондон	Европадаги энг йирик молиявий хаб. Рим империяси даврида ташкил топган йирик молиявий бизнес маркази. City of London Corporation. Молиявий хизматларни таклифи ҳамда даромади жиҳатидан дунёда иккинчи ўринни эгаллаган.
Сингапур	Осиё минтақаси рейтингида энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган, йирик логистика ва технология марказидир. Сингапур дунёда энг бой бешталик давлатлар қаторига киради. Бу давлатда 250 минг миллионерлар ва 26 миллиардерлар истиқомат қиладилар.
Гонконг	Йирик молиявий фондга эга. Дунёда тўртинчи ўринни эгаллаган.
Сан-Франциско	XIX-асрдаги тилло васвасида молиявий пойтахт статусини олган. Жуда кўп молиявий магнатлар, корхона ва банклар, жумладан, Wells Fargo, Twitter, Uber, Ga офислари жойлашган.
Шанхай	Хитойнинг миллий стратегияси асосида йирик технологик ва молиявий марказ сифатида дунёда олтинчи ўринда.
Лос-Анджелес	Савдо ва туризм хизматлари ривожланган, логистика ва ишлаб чиқариш маркази ҳисобланиб, молиявий техника борасида жозибадор. АҚШ иқтисодиётнинг 14,6 фоиз иқтисодиётини молиявий манбалар билан таъминлаб туради.
Пекин	Сиёсий, маданий ва молиявий марказ сифатида постиндустриал иқтисодиётга эга бўлиб, рақамли технологиялар ва хизматлар мамлакат ЯИМнинг 41,2 фоизига тўғри келади. 2021 йилда 13 мингта 5G станцияларни молиялаштирган. Ушбу марказий шаҳарда Хитойнинг молиявий ва технология гигантлари China Life Insurance, JD.com, Bank of China, NetEase ва бошқа йирик корхоналари жойлашган
Шэньчжэнь	1980 йилда алоҳида иқтисодий зона сифатида эълон қилинган. Дунё электроникасини ишлаб чиқарувчи йирик молиявий ва технологик хаб жойлаган. Бу ерда Huawei ва Tencentнинг Бош-шўбаси жойлаган.
Париж	Парижда 270 та Европанинг банк бошқармалари жойлашган. Молиявий секторда 180 минг ишчи-ходимлар фаолият юритади.

маҳсулотини ошишида муҳим аҳамият касб этади (3-жадвал).

Кўриб чиққан молиявий ҳамда логистика хизматларида дунёда етакчилик қилаётган давлатлар иқтисодиёти, уларнинг молиявий манбалари қамровининг глобал даражадаги ошиб бораётганлигини кўриб турибмиз.

Хизматлар бозорида туризм хизмат соҳасида ҳам Франция, Испания, АҚШ, Хитой, Италия

давлатларининг (2-расм) жозибадорлигини кўришимиз мумкин.

Сайёҳларининг бир йиллик оқими 90,2 миллион кишини ташкил этган бўлса, Ўзбекистонга бир йилда 5,2 миллион сайёҳлар келиб кетган.


Ҳисоб-китобларга кўра, 2022-йилда Парижнинг туризм орқали иқтисодиётга қўшган ҳиссаси 35,65 миллиард долларга етган. Пекин 32,62 миллиард доллар билан иккинчи ўринда, Орландо эса 31,1 миллиард доллар билан кучли учликда. Шанхай ҳам кучли ўнликка (29,69 миллиард доллар) қозонди, Лас-Вегас (22,99 миллиард доллар),

¹ 10 мировых финансовых центров с наибольшей экономической привлекательностью. [Электрон манбаа]: <https://journal.tinkoff.ru/short/fin-centres/>

3-жадвал. Дунёдаги энг йирик, рейтинги энг юқори бўлган логистика компаниялари¹

Логистик хизмат кўрсатиш компаниялари	Фаолият тури
DHL Express - Deutsche Post DHL Олмония (Германия) логистика ташкилотининг агентлиги	Почта ва реклама хизматлари бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллаган, йирик брендга эга логистик хизматлар билан шуғулланади. Унинг тўртта бўлими бор: DHL Express, DHL Global Forwarding, DHL Global Mail ва DHL Supply Chain – АҚШ. Бош-шўбаси Германияда жойлашган.
UPS (United Parcel Service, Inc)-транспорт ва логистика хизматлари компанияси	Ўзининг шахсий авиакомпанияси, авиапаркида 237 та тайёраси, дунёда энг йирик флотга эга бўлган ва бир кунда 202 дунё мамлакатларига 17 млн. тонна ҳажмдаги юкларни етказиб бериш имконияти мавжуд Атланта (штат Джорджия)да жойлашган америка компаниясидир. Йирик мижозларидан бири Amazon.com компанияси ҳисобланиб, 2022 йилда жами тушумнинг 11,3%и шу компанияга тўғри келган.
FedEx - Federal Express	Дунёда энг йирик юк ташиш тайёраҳоқларига эга бўлган почта ва курьерлик хизматларини бажарувчи йирик Америка компанияси. FedEx Ground кичик пакетларни АҚШ, Канада ва Пуэрто-Риконинг исталган манзилига, Freight Канада, Мексика, Марказий ва Жанубий Америка ва Кариб ҳавзаларига енгил юк ташиш хизматларини тақдим этади.
SNCF - олти минтақавий темир йўл компанияларини бирлаштирган компания.	Бугунги кунда бешта бўлими бор. NCF Infra – Франция темир йўлларида ҳаркатланувчи таркибини бошқариш, мониторинг ва техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. SNCF Proximites – йўловчилар ташиш. SNCF Voyages – тез-юрар поездлар TGV, IDTGV, Eurostar, Thalys, Lyria et Ellipsos, SNCF Geodis – логистика, Gares & Connections – техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. 3000 вокзал ва станциялари бор. SNCF шунингдек, OUIBUS автобус компаниясига ҳам эга.
Kuehne + Nagel International AG – ҳалқаро логистика компанияси	Компания денгиз ва ҳаво транспорти орқали IT, омборхона, логистика хизматларини амалга оширади. 109 та давлатда 1300 та бўлими мавжуд Германия компаниясидир.
Deutsche Bahn AG -немец темир йўл операторлари бўлими	Австрияда ташкил этилган. Дунё бўйлаб 2000 та офисида 65000 та ходимлари билан денгиз, ҳаво, ер устида логистик хизматларни бажаради.
Nippon Express Co., Ltd – логистика компанияси	Япония ҳукумати томонидан молиялаштириш ҳисобига кичик темир йўл компаниялари ҳамда олти бошқа рақобатлашаётган компанияларни бирлаштирилиб ягона давлат шерикчилиги асосида Япония логистика компанияси фаолият юритмоқда. 40 дан ортиқ мамлакатларни қамраб олувчи кучли глобал тармоққа эга компания 33 та давлатда фаолият юритмоқда.
C.H. Robinson логистика компанияси	3PL хизмат кўрсатиш тизимида мультимодал етказиб бериш хизматларини ҳаво, денгиз ва қуруқликда логистика хизматларини бажаради. Шунингдек, транспорт менежменти, омборхона, брокерлик хизматларини амалга оширади. Компания штаб квартираси К Eden-Preyrida (MN) жойлашган бўлиб, Шимолий Америка, Европа, Осиё ва Жанубий Америкада 300 дан ортиқ офислари ва 15000 дан ортиқ ходимлари бор.
Panalpina	Қитъалараро ҳаво ва денгиз ташувларига ихтисослашган логистика ва экспедиторлик хизматларини бажарувчи логистика компанияси. 80 дан ортиқ давлатларда 500 дан ортиқ филиаллари мавжуд. У дунё бўйлаб 15000 кишини иш билан таъминлаган. Германия ва Нидерландиянинг иккита компанияси томонидан сотиб олинган.
CEVA	Юкларни бошқариш асосида етказиб беришни ташкил этувчи йирик Швецария логистика компанияси. 160 мамлакатдан 17 та минтақавий кластерларда 56000 дан ортиқ ходимга эга.

¹ Муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида тузилди.

2-расм. Давлатларга сайёҳларнинг бир йилда ўртача келиш сони¹ (2019 йил²).3-расм. Дунё рейтингда энг юқори 100 талик олий таълим муассасалари сони³.

Нью-Йорк (21,09 миллиард доллар), Токио (17,97 миллиард доллар), Мехико (16,76 миллиард доллар), Лондон (14,92 миллиард доллар) ва Гуанчжоу (13,15 миллиард доллар)⁴. Шу жойда Ўзбекистонга сайёҳлар келиши рейтингда 150 ўринни⁵ эгаллаган, Бир йилда ички туризмни ривожлантириш

¹ Муаллиф томонидан хорижий давлатларнинг маълумотлари 2019 йил маълумотлари, Ўзбекистонни 2022 йил маълумотлари асосида "Ассоциация туроператоров". [Электрон манбаа]: <https://www.atorus.ru/news/press-centre/new/50372.html>

² Ўзбекистон бўйича маълумот 2022 йилга берилган.

³ Рейтинг лучших университетов мира Times Higher Education / THE World University Rankings 2022. [Электрон манбаа]: <https://gtmarket.ru/ratings/the-world-university-rankings>

⁴ Туризм (мировой рынок). [Электрон манбаа]: [https://www.tadviser.ru/index.php/статья:Туризм_\(мировой_рынок\)#](https://www.tadviser.ru/index.php/статья:Туризм_(мировой_рынок)#)

⁵ Узбекистан занял 150-е место среди государств, получающих доходы от туризма. [Электрон манбаа]: <https://xs.uz/ru/post/tourismday>.

лойиҳасига кўра мамлакат бўйлаб умумий 10 миллион нафар туристлар келса, фойда миқдори 2,1 триллион сўмни ташкил этади⁶.

Хизматлар бозорида дунё давлатлари хизматларини нечоғлиқ юқори мавқеига эришишида албатта таълим хизматларининг ташкил этилиши, уларнинг нуфузи ҳамда дунё рейтингдаги ўрни ушбу соҳанинг жозибадорлигига, мамлакат иқтисодиётига таъсир этганлигини (3-расм) кузатишимиз мумкин.

Дунёда олий таълим тизимида кучли 100 талик олий таълим муассасаларида 38 та АҚШ олий таълимнинг ўрин олиши ҳам нечоғлиқ АҚШда таълим хизматларининг юқори даражада йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

⁶ Туризм: Бир йилда Ўзбекистонга қанча даромад келади? [Электрон манбаа]: <https://sputniknews.uz/20220706/turizm-bir-yilda-ozbekistonga-qancha-daromad-keladi-25950110.html>

4-жадвал. АҚШдаги таълим даражаси¹ (фоизда)

T/p	Таълим	30 ва ундан катта ёшдаги аҳоли	25-30 ёшдаги аҳоли
1	Ўрта мактаб дипломига эга	89,8	92,95
2	Коллеж дипломига эга	61,28	66,34
3	Доцент даражасига эга	45,16	46,72
4	Бакалавр дипломига эга	34,98	36,98
5	Магистр дипломига эга	3,04	9,01
6	Профессионал даража	3,47	2,02
7	Докторлик даражасига эга	2,03	1,12

Халқаро хизматлар бозорида бутун дунё давлатлари ихтисослашиб, юритаётган сиёсати ва ҳаракатига боғлиқ равишда ихтисослашиб бормоқда. Масалан: Жанубий Корея-муҳандислик, консалтинг ва қурилиш хизматлари бўйича, Мексика - туризм, Сингапур - молиявий хизматлар бўйича ва ҳоказо.

Хизматлар бозорини таҳлил қилар эканмиз АҚШнинг нечоғлик ушбу хизмат турларидаги мавқеи юқорилигини гувоҳи бўлдик. Ушбу ҳолатда АҚШни янада чуқурроқ ўрганишни талаб этмоқда.

АҚШ. Давлат иқтисодий қудратининг 4/5 қисмини ташкил этувчи хизмат кўрсатиш соҳаси ялпи ички маҳсулотдаги 78% улуши билан ривожланган постиндустриал жамият кўрсаткичларига кўтарилди. АҚШда энг кенг тарқалган ва ривожланган фан, тиббиёт, таълим, транспорт, туризм, реклама, умумий овқатланиш, ахборот ва молиявий хизматлардир.

Биз юқорида дунё рейтингида молиявий, логистика хизматларида бошчилиқни бермаётган АҚШни кўрган бўлсак. Буни замирида таълим хизматлари ҳам ўз ўрни ва мавқеига эга эканлигини кўришимиз мумкин.

Таълим йўналишида. АҚШ таълимга маблағ ажратишда дунёда 11-ўринни эгаллаган. Яъни ЯИМнинг 2,74%ни таълимга йўналтирган. Бир тадқиқотчиға тўғри келадиган илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик харажатлари бўйича дунёда 2-ўринда (359,9 минг. АҚШ доллари) АҚШ миллий хавфсизлик стратегиясида: “Биз ҳамкорлар билан ишлаймиз - хусусий сектор ва нотижорат ташкилотларидан университетларгача - илм ва

технологиядаги карьеранинг ўсишигача”² - деб ёзилганлигининг ўзи АҚШда таълимга бўлган эътиборни сезиш мумкин.

АҚШда таълим хусусий мактабларда, коллеж ҳамда олий таълимда пуллик хизматлар ривожланган. Дунёда энг қиммат олий таълим АҚШда бўлиши билан бирга, дунё рейтингида ўқитиш даражаси бўйича энг юқори ўринларни эгаллаган. Масалан: Гарвард бизнес-мактаби, Стэнфорд, Уорто бизнес мактабларини мисол келтириш мумкин. У ерда бир йиллик ўқиш программаси 120 000 АҚШ доллари туради. Ҳатто ўқув материалларидан фойдаланиш хизматлари ҳам пулликдир. Шундай бўлишига қарамай катталарнинг ҳар 3/1 бакалавр дипломига эга. Шунингдек ўрта мактаб битирувчиларининг 92,95 фоизи профессионал таълим оладилар (4-жадвал).

Шу билан бирга хизматлар бозорида дунёда энг юқори даромад манбаи бўлган интернет билан боғлиқ бўлган хизматларда ҳам АҚШ ўз етакчилигини сақлаб турибти.

Дунё технологик оламида энг йирик технологик гигантлар, масалан; Катта бешлик:-Amazon, Apple, Facebook, Google нинг бош компанияси Alphabet (5-жадвал). Уларнинг даромадлари юзлаб миллиард долларни ташкил этиб ҳатто Саудия Арабистони каби энг бой давлатларнинг даромадидан ҳам ортади. Уларнинг бир йиллик даромади 265 млрд. долларни ташкил этади. Apple даромадининг 14 фоизи Apple TV, Apple Music, Apple TV хизматларидан келади. Даромадларининг 40 фоизидан ортиғи Шимолий Америкадан келади.

Amazon ҳам кўпроқ АҚШга боғлиқ бўлиб 232,9 млрд. доллар даромадининг 69 фоизидан ортиғи

¹ Educational attainment in the United States.[Электрон манбаа]: https://en.wikipedia.org/wiki/Educational_attainment_in_the_United_States

² National Security Strategy. The White House. Washington, May 2010. P. 29

5-жадвал. Интернетда юқори хизмат кўрсатиш брендига эга бўлган компаниялар¹

Рейтингдаги ўрни	Бренд номи	Брендининг қиймати (млрд. доллар)
1	Amazon	684
2	Apple	612
3	Google	458
4	Microsoft	410
5	Tencent	241
6	Facebook	227
7	Alibaba	197
8	Visa	191
9	McDonald's	155
10	MasterCard	113

ушбу ҳудуддан келади. Кейинги ўринларда Буюк Британия, Германия ва Япония туради.

Alphabet даромадининг 46 фоизи АҚШдан, 33 фоизи Европадан келади. Alphabet даромадининг 70 фоизидан ортиғи Google мулкидан, жумладан қидирув тизимидан тушади.

АҚШ компаниялари ҳорижда франчайзинг хизматларидан ҳам кенг фойдаланадилар. Кенг машҳур халқаро франчайзинг занжирлари: McDonald's, Holiday Inn, Hilton, Baskin Robbins, Sears Roebuck, Wendy's, Kodak, Coca-Cola, Pizza Hut ва бошқалар дунёдаги етакчи франчайзерлардир. Ушбу хизматлардан дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларида фойдаланадилар. АҚШ фирмалари томонидан қўлланиладиган франчайзинг амалиёти ривожланган мамлакатларда энг фаол қўлланилади. Америка корпорацияларининг барча хорижий франчайзиларининг 30% дан ортиғи Канадада, 7 мингдан ортиғи Японияда тўпланган. 67% озик-овқат саноатига тўғри келади.

Ривожланган диверсификацияланган транспорт инфратузилмасига эга бўлган Қўшма Штатлар йиллик юк ташиш бўйича сўзсиз етакчи ҳисобланади (4 миллион миля) умумий фойдаланишдаги йўллар, 140.000 миля темир йўлларга, 25.000 сув йўлларига, 5.200 (фуқаролик аэропортлари)га эга. 29,9% ҳаво, 36,2% денгиз ва 32,8% қуруқлик, бунда жами юк ташиш ҳажми ҳар йили ортиб бормоқда. Саноат штатларида транспорт


тизими кўрсатилган барча транспорт турлари билан таъминланган. Айниқса, Япония, АҚШ ва Европа Иттифоқида инфратузилма ривожланган. Улар жаҳон юк айланмасининг 85% гача ҳиссасига тўғри келади. Ғарбий Европа мамлакатларида юк ташиш бўйича автомобил транспорти етакчи (40%), темир йўл (25%). Қолган қисми денгиз ва ички сув йўлларига тўғри келади.

АҚШда хизматлар бозорида хизматлар соҳасининг бу даражада ўсиб кетишига нима ёки бошқарувда қандай механизм қўлландики, хизматлар улушининг бу даражада ўсиб кетишига сабаб бўлди?

Бу борада АҚШ иқтисодиёти ривожланишининг 60 йиллик даврини таҳлил этган ESSEC Бизнес мактаби Иқтисодиёт кафедраси илмий доценти; Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш бўйича фан, технологиялар ва инновациялар ташкилоти департаменти иқтисодчиси Жузеппе Берлингиери: "Асосий кучлардан бири бу аутсорсингдир. Сизги оддий - агар ишлаб чиқариш фирмаси ўз Бош-шўбаси хизматларининг бир қисмини аутсорсинг қилса, хизматлардан оралиқ фойдаланиш кўпаяди, чунки бу маълумотлар хизматларга ихтисослашган фирмалардан сотиб олиниши мумкин" [10] –деб ёзади ҳамда АҚШ иқтисодиётида аутсорсинг хизматларидан фойдаланиш хизмат кўрсатиш бандлигининг умумий ўсишининг 36 фоизини ва ишлаб чиқаришдаги бандлигининг 25 фоизга пасайганлигини таъкидлайди. Лекин ушбу ҳолат ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичларига таъсир этмаган ҳолда мамлакатда хизматлар улушининг ортишига, касбий ва бизнес хизматлари

¹ INFO.CITY. [Электрон манбаа]: <https://infocity.tech/2021/06/amazon-apple-i-google-vozglavlyayut-top-10-samyh-dorogih-brendov/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

4-расм. ЯИМ таркибида хизматлар улушининг миқдори¹.



иқтисодиётнинг қолган қисмига энг катта таъсир кўрсатадиган саноатга айланганлигини таъкидлайди. Аутсорсинг хизматларининг ажраб чиқиши натижасида хизматлар структурасида кескин ўзгаришлар кузатилди. Яъни хусусий сектор томонидан кўрсатилган хизматлар улуши АҚШ иқтисодиётида хизматлар соҳасидаги юқори ўсиш суръатларини таъминлаб берди (1- расм).

Хулоса ва таклифлар.

Биз ушбу тадқиқотимизда АҚШниг халқаро хизматлар бозоридаги ўрнини кўриб чиқар эканмиз, бевосита шундай хулосага келиш мумкинки. АҚШ савдо, молиявий, таълим, интернет, транспорт, логистика, франчайзинг хизматларини ташкил этиш ва рақамли бошқарувида трансчегаравий чизиқлардан ўтиб трансмилий компаниялар доирасида фаолиятини тизимли равишда йўлга қўйиб олган. Айниқса асосий фаолият билан шуғулланувчи тармоқлардан алоҳида фаолият сифатида аутсорсинг сифатида хизмат кўрсатиш соҳаларининг тармоқ сифатида фаолиятини қўллаб қувватланиши мамлакат иқтисодиётига давлат томонидан, ҳар бир тизимга илмий нуқтаи назардан оқилонга ёндашиш деб баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли ҳам ҳар бир йўналишни бир мақсад йўлида илмий

тадқиқ этилиши, хизматларни эса ихтисослаштириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон учун хизматлар бозори механизмларини хорижий тажриба сифатида жорий этиш учун қуйидагиларни таклиф этамиз:

1. Ўзбекистон учун жуда катта потенциал имкониятлар мавжуддир. Биринчи навбатда ушбу таклиф камбағалликни қисқаришига, мамлакатда иш билан банд бўлган аҳоли қатламини янада оширишга ҳамда профессионал хизмат турларини кўпайишига имкон яратиб беради.

2. Бунинг учун асосий фаолият тури билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотлардан қўшимча хизмат кўрсатиш тизимларини босқичма-босқич аутсорсинг хизматларига ўтказиш билан маҳаллий кичик бизнес тармоқларини қўллаб қувватлаш асосида фаолиятга устуворлик бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда таълим албатта фақат таълим билан, ишлаб чиқариш ўз навбатида фақат ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланади. Хуллас, ҳамма йўналиш, ўз соҳаси билан шуғулланади, харажатлар сметасида ҳам, штатлар жадвалида ҳам қўшимча хизмат кўрсатиш олиб ташланади. Хизматлар соҳаси глобаллашиб мамлакат иқтисодиётидаги хизматлар улушини ошишига ҳамда соҳаларга малакали хизмат кўрсатиш билан соҳаларнинг ривожланишига, аҳолининг эса иш билан бандлигини таъминлашда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлади.

¹ <https://apps.bea.gov/ITable/ITable.cfm?ReqID=51&step=1> Value Added by Industry as a percentage of GDP маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. - [Электрон манбаа]: <https://lex.uz/docs/5841063#5842914>.
2. Michael Peneder, Serguei Kaniovsky, and Bernhard Dachs, “What Follows Tertiarisation? Structural Change and the Rise of Knowledge-Based Industries,” *The Service Industries Journal*, 23, March 2003, pp. 47–66
3. Худайбергандов Д.Т. Минтақада товар ва хизматлар бозори самарадорлигини баҳолаш. “Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2017 йил.1-9 б.
4. Якубук Ю.П. Тенденции мирового экспорта услуг: Большая Евразия: развитие, безопасность, сотрудничество № 1-2. 2018. 504-508 с
5. Джалилов Ф.А. Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг ташкилий-иқтисодий механизми такомиллаштириш. “Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2017. 1-8 б.
6. Dazhong Cheng. The development of the service industry in the modern economy: mechanisms and implications for China. *China Finance and Economic Review*. 2013. Pp. 2-12.
7. Luis Rubalcaba. Innovation and the New Service Economy in Latin America and the Caribbean. Inter-American Development Bank. DISCUSSION PAPER No. IDB-DP-291. 2013.
8. Бекмирзаев М.А., Холиков З.Т. Важность развития сферы услуг в Республике Узбекистан. // Ж.: «Colloquium-journal» № 5 (128), 2022. С-8
9. Международная стандартная отраслевая классификация всех видов экономической деятельности (МСОК). Четвертый пересмотренный вариант. Организация Объединенных Наций Нью-Йорк. 2009. С. 353.
10. Juzeppe Berlingieri. Outsourcing and transition from manufacturing to services. 2014.[Электрон манбаа]: <https://cepr.org/voxeu/columns/outsourcing-and-shift-manufacturing-services>.
11. Паязов М. Темир йўл транспорт хизматларининг хизматлар бозоридаги бошқарув самарадорлигини баҳолаш услубиёти. Ж.: “Иқтисод ва молия” № 7(155). 2022. 36-44 б.
12. Паязов М. Хизматлар бозорининг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари. // Ж.: Хоразм Мамун Академияси № 5 (89). 2022. 46-50 б.
13. Муминов Н.Г., Холбутаева Ш.А. Консалтинг хизматлари транспорт тармоғида жадал ривожланаётган соҳаси сифатида. «Ўзбекистон транспорт тизимида рақамли ва инновацион технологияларни иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг долзарб масалалари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, 13 апрель 2021 йил. Б. 31-33.